

Куч – адолатда

Адл ила оламузин обод қил!

2025 йил
18 апрел,
жума
№ 16 (1050)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЯНГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАВРИГА ДАДИЛ ҚАДАМ

Сўнги ўн кунликда бутун дунё нигоҳи Ўзбекистонга қаратилди. Чунки Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммити, пойтахтимизда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси глобал миқёсдаги муҳим сиёсий ва стратегик воқеалар сифатида мамлакатларимиз ва минтақаларимиз ўртасидаги алоқалар ривожланиши учун янада катта аҳамият касб этиб, янги босқичга чиқди.



Inter-Parliamentary Union
For democracy. For everyone.

PARLAMENTLARARO ITTIFOQNING 150-YUBILEY ASSAMBLEYASI



Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025

Сўнги йилларда Европа Иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Кейинги 7 йилда Марказий Осиё мамлакатларининг Европа Иттифоқи билан ўзаро товар айланмаси ҳажми бир неча баробар ўсиб, 54 миллиард еврога етди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёда минтақавий ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бу йил олти фоизгача етади. Бу бошқа минтақалардаги ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада юқоридир.

3-4 апрель кунлари қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри халқаро аҳамиятга эга муҳим ва истиқболли жараёнлар, музокаралар майдонида айланди.

Саммитда икки минтақа ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди. Аҳамиятли томони, ушбу йирик анжуман биринчи марта минтақадаги етакчилар ва Европа Иттифоқининг юқори даражадаги вакилларини бир жойга жамлади. Давлатимиз раҳбари ушбу учрашувни “Марказий Осиё учун тарихий имконият” дея таъкидлади.

Бугун дунё саҳнида давом этаётган турли можаролар, геосиёсий зиддиятлар, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги хавфли силжишлар хавотирли, албатта. Шу билан бир қаторда, глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар юзага чиқмоқда. Буларнинг барчаси инсоният тақдирига бевосита дахлдор. Шундай мураккаб шароитда ҳеч бир мамлакат ёлғиз, бошқа давлатлар билан ўзаро ҳамкорликсиз ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтолмайди.

Шу маънода “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммити глобал масалаларни ҳал этишда, минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Зеро, самарали халқаро ҳамкорлик дунёнинг барқарор тараққиёти учун энг муҳим омилдир.

Ушбу нуфузли сиёсий-дипломатик тадбир доирасида ўтказилган келишувлар нафақат икки минтақа ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, балки бу жараён бир қатор глобал масала-

лар ечими учун ҳам йўл очади.

Саммитни кузатар эканмиз, шууримизда гавдаланган биринчи таассурот шундан иборатки, минтақавий интеграция жараёнлари янада кучайди. Минтақалар ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, сармоялар ва савдо айланмасини ошириш, “яшил” энергетика, рақамлаштириш, логистика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшма пойиҳалар, фан, таълим ва маданият йўналишларида ҳамкорликни кучайтириш билан боғлиқ бир қатор муҳим масалаларни анъанавий шерикчилик асосида ҳал этишга келишиб олинди.

Бошқача айтганда, Самарқанд саммити икки минтақа ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий мулоқотга янги туртки берди. Икки минтақа тарихда биринчи марта тенг мақомда бир-бири билан юзлашди.

Саммитда муҳокама марказига қўйилган ташаббуслар стратегик ҳусусиятга эга. Ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, минтақалар ин-

фратузилмасини кучайтириш, глобал таъминот занжирларининг тикланиши учун муҳим. Масалан, биргина иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши тўғридан-тўғри хорижий инвестиция оқимини рағбатлантириш, минтақанинг рақобатбардошлигини ошириш, минг-минглаб иш ўринлари яратишга ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Самарқанд саммити минтақалар учун катта дипломатик ютуқдир. Шунингдек, бу барқарор ўсиш учун янги имкониятлар очади ҳамда минтақанинг иқтисодий, ижтимоий ва экология соҳаларидаги тараққиёт илдизларини мустаҳкамлайди.

Айни чоғда, 5-9 апрель кунлари Ўзбекистон яна бир сиёсий-дипломатик моҳиятга эга анжуманга мезбонлик қилди. Ўз сафидида 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган Парламентлараро Иттифоқнинг Ассамблеяси Марказий Осиё тарихида биринчи мартабо пойтахтимизда ўтказилгани мамлакатимиз, хусусан, Марказий Осиёнинг глобал сиёсий жараёнга интеграциялашувида муҳим қадам бўлди.

Бу парламентлар ўртасидаги алоқаларнинг кенгайтиши, дунёда тинчлик ва демократияни мустаҳкамлаш мақсадларининг бир нуқтада бирлашиши учун қулай майдон яратди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси очилишидаги нутқида, аввало, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ҳақида тўхталиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва давлат бошқарувини халққа яқинлаштириш — Ўзбекистон тараққиётининг асосий йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда) ►

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада такомиллаштирилмоқда. Жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида кенг қўлланилган амалга оширилмоқда.

■ Моҳият

ЯНГИ ҚОНУН инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги кафолатларини янада такомиллаштиришга қаратилган



Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қамоқда олинганларга нисбатан қийноққа солиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун маъқулланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки аслида ҳам, қамровдор ислохотларимиз, аввало, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилгандир.

(Давоми 3-бетда) ►



Абдулҳаким
ЭШМУРАДОВ,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари
ва коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси раиси

■ Жамиятимиз мақсади

Миллий туризм брендини яратиш – ЗАМОН ТАЛАБИ



Жаҳон иқтисодиётида туризм аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва иш билан бандлигини таъминлаш, юқори даромад келтириши билан бир қаторда, ижтимоий аҳамиятининг янада ортиб боришига кўра, жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган соҳа сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бутун жаҳон туризм ва сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, соҳада 292 миллиондан зиёд иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳиссаси 7,6 триллион долларни, ялпи ички маҳсулот ҳажми-

даги улуши эса, 10,2 фоизни ташкил этмоқда. Кейинги ўн йилликда ушбу соҳа бутун дунё бўйлаб 120 миллион кишини иш билан таъминлаши кутилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

● Тарих тилсимлари

ҚОДИРИЙНИ йиғлатган Кумуш


Дунёга машҳур ёзувчилар ҳаётида ижод жараёни, бадий асар қаҳрамонлари тақдирини билан боғлиқ кўплаб ғаройиб воқеалар учрайди. Масалан, баъзи ёзувчилар ўзлари яратган қаҳрамонга шунчалик меҳр қўйганки, охир-оқибат асар якунида қаҳрамонининг тақдирини фожиали тугашидан қаттиқ изтиробга тушишган. Бунга дунё адабиёти тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Масалан, буюк адиб Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романи қаҳрамони Кумушнинг ўлимидан қаттиқ қайғурган, ҳатто ўзини тутолмай йиғлаган.

Бу тўғрисида адибнинг ўғли Ҳабибулло Қодирийнинг “Отам ҳақида” китобида батафсил ҳикоя қилинган.

Қуйида ушбу китобнинг айрим бобларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

(Давоми 4-бетда) ►



Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинган.

■ Парламент фаолияти



ИНСОН ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Дастлаб депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Мамлакатимизда шахс-

нинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлигини таъминлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари муҳокама қилинди

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланган шахсларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат таъминлашнинг илгари суриш борасида Президентимиз бошчилигида тизимли ислохотлар амалга оширилди. Муҳими, ушбу соҳада аниқ натижаларга эришилмоқда.

Бу борадаги мамлакатимиз тажрибаси халқаро миқёсда ўрганиш ва қўллаш учун муваффақиятли модель сифатида қаралаётгани Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан эътироф этилган. 2024 йил июнь ойида Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг Маъмурий кенгашига сайлангани бунинг ёрқин ифодасидир.

Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги йиғилишида ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш, йўл қўйилаётган

айрим камчиликларни бартараф этишга эътибор қаратилди. 2024 йил давомида амалга оширилган ишлар, қўрилган чоралар, сақланиб қолаётган масалалар ҳамда 2025 йилга режалаштирилган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Т.Норбоева бошқарган мажлисда одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари соҳасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.

Бу йўналишда миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти такомиллаштирилди. Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат таъминлашнинг кенг жорий этишининг ташкилий ва амалий

чора-тадбирлари кучайтирилди. Аҳолининг одам савдоси ва муносиб меҳнат масалалари бўйича хабардорлиги оширилди. Ишлаб чиқариш тармоқларида халқаро меҳнат соҳасидаги техник стандартларни жорий этишга эътибор кучайтирилди. Халқаро ҳамкорлик фаоллаштирилди.

2024 йилда одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат таъминлашнинг кенг жорий этиш, соҳага доир қонунчилик асосларини такомиллаштириш мақсадида 36 норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Халқаро меҳнат ташкилотининг 5 та конвенцияси ратификация қилинди.

Ушбу соҳада давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги позициясини янада яхшилаш мақсадида 3 та чора-тадбирлар дастури қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►


● Шахс

Йўл ҳаракати хавфсизлиги:

жарима баллари белгиланишининг моҳияти ва аҳамияти



Қаҳрамон МИРСАФОВЕВ,
Тошкент шаҳар суди
жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати судьяси



Ҳар йили дунё бўйлаб минглаб йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиб, йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаётига жиддий хавф солади. Ушбу ҳодисалар нафақат одамларнинг саломатлиги ва ҳаётига салбий таъсир кўрсатади, балки мамлакатлар иқтисодиётига ҳам катта зарар етказиши мумкин.

(Давоми 2-бетда) ►



Бундан анча йил муқаддам, аниқроғи, 2009 йил 29 августда қабул қилинган Чуст туман ҳокимининг 338-сонли қарориди Чуст шаҳрида кўчаларни кенгайтириш ва обodonлаштириш ишларини амалга ошириш белгиланган. Ушбу қарорга асосан, шаҳарнинг “Сероб” маҳалласида яшовчи Фахриддин Нусратовнинг 2 хонали яшаш уйи ва бошқа бинолари ҳам бузилиши лозим эди. Шу боис Ф.Нусратовга огоҳлантириш хати берилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга, ёпиқ суд мажлиси иштирокчиларининг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш зарурати юзага келмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси билан бир қатор қонун ҳужжатларига ёпиқ суд мажлиси маълумотлари ва тафсилотларини ошкор қилмаслик бўйича ёпиқ суд мажлисида иштирок этаётган шахсларга тегишли мажбурият юклашни на-

зарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд жараёнларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, шахсий ҳаёт ҳақидаги маълумотлар ошкор этилишининг олдини олишга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

АЙРИМ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕКОР ҚИЛИНМОҚДА

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципага амал қилинишни таъминлашга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституция-мизда давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципага асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва ижтимоий-сиёсий воқеликларнинг мазмунидан келиб чиқиб, ҳар бир соҳага алоҳида комплекс ёндашув асосида ҳуқуқбузарликка

мос ҳуқуқий таъсир чораларини белгилашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан ҳам қилмишларнинг хусусияти, жазолашдан кўзланган мақсадга эришиш учун етарлилигиндан келиб чиққан ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни бекор қилишга қаратилган тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципага амал қилинишини таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини янада кучайтиришга ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқий ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституция-мизда ҳам инсон, шу жумладан, жабрланувчи ҳуқуқлари кафолатлари сезиларли даражада кучайтирилди.

Шу билан бирга, жиноят процессида жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг амалдаги самарали институтини маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда ҳам жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурий ҳуку-

бузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жорий этиш назарда тутилмоқда. Бунда айрим тоифадаги ишлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фақат жабрланувчининг аризасига асосан бошланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, жабрланувчи ночор аҳволда бўлгани, вояга етмаганди, ҳуқуқбузарга қилган бўлгани туфайли ёки бошқа сабабларга кўра, ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда ваколатли органнинг мансабдор шахси, жабрланувчининг аризасисиз ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни бошлаши шартлиги назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади. Мажлисида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз ўз нутқида, шунингдек, мамлакатимизда кучли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг шароитлар яратилганига эътиборни қаратди. Қайд этилганидек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида парламент институтини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

■ Муносабат

Янги стратегия шериклик ДАВРИГА ДАДИЛ ҚАДАМ

Кейинги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини оширишга қаратилган 20 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг демократик бошқарув йўлидан дадил одимлаётганини англатади. Сиёсий ва дипломатик жиҳатлардан қамрови ниҳоятда кенг бўлган бундай нуфузли анжуманнинг юрти-мизда ўтказилиши ҳам Ўзбекистон парламентаризм ва барқарор ривожланишининг ижобий тажрибасига эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Президентимизнинг нутқида кейинги ўттиз йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 4,5 баробарга ортгани ҳолда, инсониятнинг камбағал қатламлари даромадлари деярли ўзгармай қолаётгани, агар шу тенденция сақланиб қолса, 2030 йилга бориб дунё аҳолисининг 575 миллион нафари қашшоқликда умр кечириши, 84 миллион нафар бола эса,

таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлиши таъкидланди. Юртбошимизнинг ушбу фикрлари халқаро жамоатчиликни ҳам сергаклантирди, дейиш мумкин.

Халқаро экспертлар Ўзбекистонда сўнгги йилларда ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлаш бўйича сезиларли ўзгаришлар юз кўрсатаётганини қайд этмоқда. Аҳамиятлики, Президентимизнинг халқаро даражада

ришга интилмоқда.

Натижада Ўзбекистон иқтисодиёти 2024 йилда 6,5 фоиз ўсиб, ялпи ички маҳсулоти қарийб 115 миллиард долларга етди.

Ўзбекистон Президенти қайд этганидек, жаҳонда юз бераётган бугунги глобал ўзгаришлар Парламентлараро Иттифок ва миллий парламентларимиз олдида янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Шу аснода давлатимиз раҳбари олптина масалага алоҳида тўхталди. Бу ўринда жаҳоннинг турли минтақаларидаги низо-ларни ҳал этиш, иқлим ўзгариши, хотин-қизлар ҳуқуқлари, ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва ҳозирги кунда барча жабҳаларга кенг кириб келаётган сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтириш масалаларини қамраб олган янги ташаббуслар ҳақида сўз бормоқда.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари илгари сурган ушбу ташаббуслар нафақат Ўзбекистон манфаатларига қаратилган, балки жаҳон ҳамжамиятига ижобий ва барқарорлаштирувчи руҳда таъсир этишга ҳам хизмат қилишига ишончимиз комил.

Ботирали ШОДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

■ Қонун кўмаги

Ўн беш йил “кечиккан” компенсация суд томонидан ундириб берилди



◄ (Бошланиши 1-бетда)

Бироқ бу ҳолатдан хонадон эгаси қаттиқ ташвишга тушади, оқибатда юраги хасталаниб, шифохонада даволанади. Бу орада туман ҳокими ўринбосарининг кўрсатмаси билан Ф.Нусратовга қарашли бинолар бузиб ташланади. Аммо ўша пайтда туман ҳокимлиги Ф.Нусратовга бузилган бинолар эвазига тегишли компенсация пулини тўлаб бермайди.

Аниқроғи, зиммасидаги масъулиятни унутган айрим мутасаддилар нақ 15 йил мобайнида Фахриддин Нусратовга қуруқ ваъдалар бериб келишади. Охир-оқибат у қонун кўмагига таянишга қарор қилди. Ҳолбуки, Конституция-мизнинг 55-моддасида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган.

Ф.Нусратов судга мурожаат қилишдан аввал бузилган биноларни баҳолатди. “Kons inventar baho” масъулияти

чекланган жамиятининг 2024 йил 7 мартдаги ҳисоботи асосида бузилган уй-жой 81 миллион 540 минг сўмга баҳоланди. Сўнг у фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Айтиш керакики, Ер кодексининг 37-моддасида “Жисмоний ва юридик шахсларга тегишинча мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг қисмларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади” дея қайд этилган. Шунингдек, кодекснинг 41-моддасида эса, ер эгалари, ер-

дан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг бузилган ҳуқуқлари қонунчиликда назарда тутилган тартибда тикланиши кераклиги белгиланган.

Суд юқоридида қайд этилган қонуний асосларга таяниб, даъво аризасини қаноатлантирди. Яъни Чуст тумани ҳокимлигидан Фахриддин Нусратов фойдасига 81 миллион 540 минг сўм компенсация, 3 миллион 261 минг сўм давлат божи, баҳолаш хизмати учун тўланган 1 миллион 500 минг сўм, адвокат хизматига сарфланган 3 миллион 500 минг сўм, жами 89 миллион 835 минг 600 сўм ундириш хусусида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларни йиллар мобайнида қийнаб келган муаммолар айнан судда адолатли ечим топаётгани жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга одамларнинг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Отамурод СИДИҚОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро суди судьяси

● Шарҳ

Йўл ҳаракати

Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари муҳокама қилинди

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Меҳнат инспекциясининг ваколатлари кенгайтирилди. Инспекцияга меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан текширувларни тўсиқларсиз ўтказиш ваколати берилди.

Миллий комиссия томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида, иш берувчиларга ёзма кўрсатма ва тақдимома-лар киритилган. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш юзасидан киритилган даъво аризалари кўриб чиқилиши натижасида 25,7 миллион сўм ундириш юзасидан суд қарорлари чиқарилган.

Мажлисида 2024 йилда одам савдосига қарши курашиш, соҳага доир қонунчилик асосларини такомиллаштириш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, чақалоқ савдоси жинояти содир этилгани учун жазо чораси кучайтирилди.

Одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун ИИВнинг “Долзарб алоқа тармоғи” узулсиз ишлаши таъминланмоқда.

Одам савдосига оид жиноятларни аниқлаш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш борасида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Судлар томонидан одам савдосига алоқадор 195 нафар шахсга нисбатан 143 жиноят иши кўриб чиқилган. 138 жиноят иши бўйича айблов ҳукми 188 нафар шахсга нисбатан

чиқарилган.

Одам савдосига оид жиноятлардан жабрланган шахсларга тиббий-психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, уй-жой муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Мажлисида ҳудудларда одам савдосига қарши курашиш, муносиб меҳнат тамойилларини илгари суриш борасидаги муаммоли масалалар муҳокама қилинди.

Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича Ички ишлар вазирлиги, муносиб меҳнат масалалари бўйича Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги раҳбарлари, ҳудудий комиссиялар вакилларининг ахборотлари эшитилди.

Миллий комиссия томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2025 йилда одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотда билдирилган тақлифларни амалиётга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси (йўл харитаси) лойиҳаси кўриб чиқилди.

Одам савдосига қарши курашиш кичик комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Одам савдосига қарши курашиш концепцияси лойиҳаси ҳамда уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Миллий комиссиянинг тегишли қарори қабул қилиниб, келгусидаги вазифалар белгиланган.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

◄(Бошланиши 1-бетда)

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 26-моддасида белгилаб қўйилганидек, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Таҳлилларга кўра, 2024 йилда Омбудсманга ҳуқуқ-тартибот органларининг тезкор-қидирув фаолияти ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича 1 минг 131 та мурожаат келиб тушган. Шу мурожаатларнинг энг кўпи — 74,3 фоизи ички ишлар ва 16,4 фоизи прокуратура органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан билдирилган.

Шунингдек, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларга мўлжалланган жойларда сақланаётган шахсларга нисбатан руҳий, жисмоний ёки бошқача тарзда босим ўтказилганлиги ҳақида 191 та шикоят қайд этилган. Мазкур шикоятларнинг 16 таси бўйича жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорлар тегишли прокурорлар томонидан бекор қилинган.

Ўтказилган хизмат текширувлари натижасида 13 та шикоят юзасидан 15 нафар ходимга интизомий жазо чоралари қўлланилган. Яна 3

та шикоят юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Бу, ўз навбатида, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тарзидаги чора қўлланилган шахсларнинг қий-

янги таҳрирдаги Конституциямиздан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ижроси доирасида ишлаб чиқилди.

насига жойлаштирилишидан олдин тергов ҳибсхонасининг ўзида ўтказилиши шарт бўлган мажбурий тиббий кўрик, улар тергов ҳибсхонасига олиб келинган пайдан

лумотноманинг нусхаларини бериш тартиблари кўрсатилмоқда.

Тўртинчидан, мажбурий тиббий кўрик чоғида қамоққа олинганнинг танасида жараҳатлар, шикастланишлар ва яралар аниқланган тақдирда, улар тегишли тартибда қайд этилиб, бу ҳақда қамоққа олинганга маълум қилиниши ва зудлик билан прокурорга хабар берилиши қатъий белгиланмоқда.

Бешинчидан, тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган қамоққа олинганлар бошқа жойга ўтказилганда ёки процессуал ҳаракатлар ўтказиш учун олиб чиқилиб, тергов ҳибсхонасига қайтарилганда, улар ушбу моддада назарда тутилган тартибда мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилиши мустаҳкамланмоқда.

Ушбу янги қонунни ишлаб чиқишда бир қатор хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва халқаро тажриба атрофлича таҳлил этилган. Жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Сингапур ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилган.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги кафолатлари янада мустаҳкамланишига, давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари таъминланиши бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги нуфузи ошишига хизмат қилади.

■Жамиятимиз мақсади



◄(Бошланиши 1-бетда)

Ҳозирги кунда туризм ер юзидаги жами товар ва хизматлар экспортида даромад келтириш бўйича йирик тармоққа айланиб улгурди.

Янги Ўзбекистоннинг тарраққиёт стратегияси доирасида туризм хизматларини ривожлантириш, сайёҳлар оқимини муайян мамлакатга йўналтириш асосида унинг рақобатдошлигини оширишга эришиш хизматларини диверсификациялаш, миллий туризм бренди ва инфратуларнинг илғор тажрибалари

Мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини кенг жорий этиш бўйича ишлар жадаллаштирилмоқда. Бу борада 2026 йилга бориб туризм соҳасида банд бўлганлар сонини 2 баробарга ошириш, яъни 520 минг нафарга ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги салоҳияти кенг тарғиб қилинмоқда.

Хорижий сайёҳлар сонини ошириш мақсадида, “ВВС”, “EuroNews” каби нуфузли платформаларда ҳамда 20 дан ортиқ халқаро кўргазмада Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги салоҳияти кенг тарғиб қилинмоқда.

Туризм соҳасида янги иш жойларининг яратилиши орқали меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш имконияти юқоридир. Бунда меҳмонхона хўжалиги ва овқатланиш корхоналари, санатория-курорт тармоқлари, туризмнинг давлат ва жамиятнинг боғловчи бошқа фаолият соҳаларида янги иш жойларини ташкил этишни рағбатлантириш механизмлари иқтисодий дастакларини қўллаш мақсадаги мувофиқдир.

Бинобарин, Президентимиз айна мавзуга эътибор қаратиб, ижарага бериш мумкин бўлган 2 мингта маданий мерос объектидан атиги 325 таси тадбиркорларга берилганини жиддий танқид қилганлари беҳиз эмас.

Туристарга хизмат кўрсатиш сиғимини ошириш ва тизимда рақамлаштириш орқали самарадорлиқни ошириш бўйича тақдирлар ҳам илгари сурилди. Жумладан, барча объектларда кириб-чиқишни автоматик ҳисобга оладиган мослама ўрнатиш ва барча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган “ағона туристик карта” жорий қилиниши белгиланди.

Мухтасар айтганда, юртимизда туризмни ривожлантириш барқарор тараққиёт стратегиясининг узвий бир қисмига айланиши зарур. Бу борада, фикримизча, туризм инфратузилмасини яратиш, ҳудудларда эркин иқтисодиётини зоналар фаолиятини ривожлантириш, ҳар қандай кўринишдаги қонуний туризм йўналишидаги бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли фаолиятни изчил ривожлантириш — давр талаби.

ган, асрлар давомида қадимий шаҳарлари билан машҳур, тарихий ва маданий ўтмишга эга мамлакатимиз туризм тармоғини ривожлантириш учун реал имкониятларга эга. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳудудларда туризмнинг устувор йўналишлари, жумладан, туризм қишлоқлари, тоғ ва спорт-соғломлаштириш тизимини янада ривожлантириш, халқаро туризм бренди ва инфратузилма объекларини жадал барпо этишда тадбиркорлиқни йўлга қўйиш, 36 та туман ва шаҳарни этно, гастронимик, тиббий, экстремал, маданий-тарихий, зиярат, қишки ва агротуризм асосида ривожлантириш бўйича катта дастур тайёрланмоқда.

Хорижий сайёҳлар сонини ошириш мақсадида, “ВВС”, “EuroNews” каби нуфузли платформаларда ҳамда 20 дан ортиқ халқаро кўргазмада Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги салоҳияти кенг тарғиб қилинмоқда.

Сўнгги йилларда ички туризмга эътибор туфайли маҳаллий сайёҳлар сони 23 миллионга етиши кутилмоқда, ваҳоланки, 2017 йилда бу кўрсаткич 5 миллиондан ошмасди. Энди ҳар ойнинг битта шанба ва якшанбаси — “оила ва меҳнат жамоаси билан саёҳатга чиқиш кунини” бўлиши кўпчилиқни хурсанд қилди. Шунингдек, турли мусобақа ғолибларига “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат” йўлланмасини совға қилиш йўлга қўйилиши ҳам бу борадаги янги ҳаётнинг шув бўлди.

Туризм соҳасида янги иш жойларининг яратилиши орқали меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш имконияти юқоридир. Бунда меҳмонхона хўжалиги ва овқатланиш корхоналари, санатория-курорт тармоқлари, туризмнинг давлат ва жамиятнинг боғловчи бошқа фаолият соҳаларида янги иш жойларини ташкил этишни рағбатлантириш механизмлари иқтисодий дастакларини қўллаш мақсадаги мувофиқдир.

Бинобарин, Президентимиз айна мавзуга эътибор қаратиб, ижарага бериш мумкин бўлган 2 мингта маданий мерос объектидан атиги 325 таси тадбиркорларга берилганини жиддий танқид қилганлари беҳиз эмас.

Туристарга хизмат кўрсатиш сиғимини ошириш ва тизимда рақамлаштириш орқали самарадорлиқни ошириш бўйича тақдирлар ҳам илгари сурилди. Жумладан, барча объектларда кириб-чиқишни автоматик ҳисобга оладиган мослама ўрнатиш ва барча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган “ағона туристик карта” жорий қилиниши белгиланди.

Мухтасар айтганда, юртимизда туризмни ривожлантириш барқарор тараққиёт стратегиясининг узвий бир қисмига айланиши зарур. Бу борада, фикримизча, туризм инфратузилмасини яратиш, ҳудудларда эркин иқтисодиётини зоналар фаолиятини ривожлантириш, ҳар қандай кўринишдаги қонуний туризм йўналишидаги бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли фаолиятни изчил ривожлантириш — давр талаби.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
сенатор

...2010 йилнинг 3 март кунини Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида туғилган, кейинги пайтда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида вақтинча яшаб келган мактаб ўқувчиси Мурод Раҳмонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳали воёга етмай туриб, икки марта оғир жиноий қилмишга қўл урди. Дастлаб шу йилнинг 9 январь кунини ўзга фуқарога тегишли автомобилни ноқонуний тарзда эгаллаб олиб, ўғирлаб қочиб кетган.

Бироқ унинг “сайри” узоқ чўзилмайди, тезда жиноят устида қўлга тушади. Тергов суди шу воқеа юзасидан қўзғатилган жиноят ишини эътироф этди. Жиноят кодексининг транспорт воситасини олиб қочишга доир 267-моддаси 1-қисми бўйича олиб борилган тергов-суриштирув тадбирлари якунида иш суднинг ҳукмига ҳавола қилинди. Навбат қилмишнинг сўровига етди. Афсуски, бу жараёнда яна бир нохуш

■Жиноят ва жазо

Адолат мезони

жазонинг муқаррарлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати

ҳодиса рўй берди. М.Раҳмонов бошқа автомобилни ўғирлаш йўли билан навбатдаги жиноий ҳаракатни содир этган. Маълум бўлишича, айбланувчи оғир оқибатли жиноий қилмишлар тоифасига кирувчи бу қилмишнинг унинг ноҳўя хатти-ҳаракати суд тарафидан муҳокама қилинаётган бир пайтда, яъни 2025 йилнинг 21 февралдан 22 февралга ўтар кечаси ярим тунда содир этган.

Ўша кунини М.Раҳмонов Марбугат маҳалласидаги қариндошининг уйи-



га меҳмонга боради. Тун алламаҳали бўлганда, у меҳмондорчиликдан қайтаётиб, шу ҳудуддаги Умидбахш кўчасидаги уйлардан бирининг олдида турган “Кобальт” русумли автомашинага кўзи тушади-ю, фикри бузилади. Б.Ўрозматовга қарашли автоулов шу аснода М.Раҳмоновнинг ўлжасига ай-

ланди.

Аммо автомашина игна эмаски, ерга тушиб, ғойиб бўлса. Шу боис ўғирланган автомобилни ахтариб топиш кўпам мушкул бўлмади. М.Раҳмонов яна жиноий қилмиш устида қўлга тушди.

(Давоми 4-бетда) ►

хавфсизлиги:

жарима баллари белгиланишининг моҳияти ва аҳамияти

Бунда агар йиғилган жарима баллари ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб бир йил давомида 12 баллдан ошмаса, тўпланган баллар автоматлаштирилган тарзда ўчирилади ва юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарликлардан бири янгида содир этилган кундан жарима балларини қайта ҳисоблаш бошланади.

Аксинча, бир йил ичида қонун билан белгиланган 12 баллдан ошадиган бўлса, ҳайдовчи қўшимча жазо сифатида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Бироқ бунда жарима баллари ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун 2 баллдан ошмаслиги талаб қилинади ва балларни ҳисоблаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жарима баллари тизими маъмурий жавобгарликни

амалга оширишда янги ва муҳим механизмлардан бири ҳисобланади. Янги тизимнинг асосий мақсади — йўл ҳаракати қоидабузарликларининг олдини олиш, ҳайдовчилик маданиятини шакллантириш ва жавобгарликни оширишдир.

Шунингдек, мазкур тизим қуйидаги жиҳатлари билан аҳамиятлидир:

биринчидан, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва мониторинг қилиш: жарима баллари тизими ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тизимли тарзда ҳисобга олишга хизмат қилади. Ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун белгиланган жарима баллари тизими, қоидаларни бузган ҳайдовчиларнинг фаолиятини автоматик равишда мониторинг қилиш имконини беради ва жарима балларини ҳисоблаш орқали ҳайдовчиларнинг ўтмишдаги ҳуқуқбузарликларини куза-

тиш ва уларнинг жавобгарлигини оширишга хизмат қилади;

иккинчидан, ҳайдовчиларнинг интизомини ошириш: жарима баллари тизими ҳайдовчиларнинг қоидаларга риоя қилишга бўлган интизомини оширишга қаратилган. Ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун балл йиғилиши ҳайдовчиларга уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий оқибатлари ҳақида эслатиб туради. Жарима балларини йиғиш ҳайдовчиларни қоидаларга қатъий

риоя қилган ҳолда ҳаракатланишга ундайди, чунки баллар кўпая борган сари, уларнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини йўқотиш хавфи ҳам ортиб боради;

учинчидан, мазкур тизим ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларини бузишини мониторинг қилишга қаратилгани боис, ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга қарши курашишга ҳам жиддий йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим механизмдир.



◄ (Бошланиши 1-бетда)

Шаҳар ҳовлида яшар эдик. Бир куни уйимизда шундай воқеа рўй берди: ойим, одатимизча, эрталабки чойни бибимнинг уйига хозирладилар-да, эрта туриб ёзаётган дадамнинг хонасига кириб кетдилар. Биз дастурхон тева-рагида дадамнинг чиқишини кутамиз... Бир вақт ойим негадир индамай чиқдилар-да, ўтириб бизга чой қуйиб бера бошладилар.

— Абдуллани қақирдингми, Раҳбар? — дадам чиқавермагач, ойимдан сўрадилар бибим.
— Йўқ.
— Нега?
— Ўғлингиз йиғлаб ўтирибдилар, — дедилар ойим.

Бибим бечора сакраб ўрниларидан туриб, дадамнинг хонасига йўл олдилар. Кап-катта кишининг йиғлашидан ҳайратга келиб мен ҳам бибим ортидан эргашдим. Кирсак, дарҳақиқат, у киши юм-юм йиғлар, курсига тирсакланиб олиб тўхтовсиз ёзар эдилар. Бибим дадамнинг бу ҳолига бироз қараб турдилар-да, бир нарсани тўшундилар, шекилли, индамай мени бошлаб орқага қайтдилар ва ўтириб чой ича бошладилар. Мен бибимдан сўрадим:

— Она, дадам нега йиғлаптилар?...
— Дадагн жинни бўлиб қолибди... — жавоб қилдилар бибим ва бошқа сўз айтмадилар.

Кейинчалик англасам, ўшанда дадам ўз севиқли қахрамони Кумушнинг ўлими пайтини тасвирлаб, изтироб чекаётган эканлар...

Маҳалламизда яшайдиган Акбархўжа амаки сўнгги пайтларда менга шундай ҳикоя қилган эди:

— Биз “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён” романларини босилмасданок, қўлэзмадан ўқиб чиқанмиз. Уни Абдулланинг ўзи пеш ёзганини пеш ўқиб берар эди. Пўлат оқсоқолнинг уйда гап ер эдик, бир гал Абдулла, одатича, сўнгги ёзган қоғозларини кўтариб, негадир кечикиброқ кириб келди. У ўтириши биланок биз романнинг давомини тинглашга чоғландик. Абдулла кўпчиликнинг раъйини қайтармай ўқишга тушди. Ўқигани “Ўтган кунлар”нинг охириги икки боби эди. Биз диққат билан эшитмоқда эдик, бора-бора ҳаяжонга тушдик, Кумушнинг фужияли ўлимига етганда, ўзимизни турли туролмай, йиғлаб юбордик. Абдулла ўқиб битирди. Бироқ ҳеч биримизда сўзлашга мажол йўқ, худди мотам тутгандай хомуш ўтирдик.

Ўрни келиб, муаллифнинг шу айтган сўзини ҳам эслатиб ўтай: “Ёзганинг агар ўзининг йиғлатмас-қулдирмаса, ўзгани ҳеч йиғлатмас-қулдирмас...”

Таниқли тожик ёзувчиси Жалол Икромий шундай ҳикоя қилган эди: “Мен 1930 йиллар бошида Тошкентдаги тожик билим юртида ўқир, бир қозоқ курсдошим билан бир ётоқхонада турар эдим. Шунда биринчи бор “Ўтган кунлар”ни ўқидим. Уни кеча-кундуз берилиб ўқирканман, қозоқ дўстим “бу китобни мунча ўқийверасан”, деб ажабланарди. Мен эса, “тўхта, сен ҳам ўқийсан”, деб китобдан бош кўтармасдим. Ниҳоят, романни битирдим ва қозоқ дўстимга ўқишга тавсия қилдим. У аввалига китобни тилар-тиламас ўқий бошлади ва кейинига менга ўхшаб, берилиб кетди.

Бир кун ётоқхонада дарс тайёрлаб ўтирардим, дўстим эса, “Ўтган кунлар”нинг охириги варақларини ўқирди. Бирдан у сакраб ўрнидан турди ва бориб печкани очди-да, қўлидаги “Ўтган кунлар”ни ёниб турган ўтга ташлади...


●Тарих тилсимлари

ҚОДИРИЙНИ ЙИҒЛАТГАН КУМУШ

Мен ҳайратланиб: “Ҳай, сенга нима бўлди!” дедим. У ҳўнграб: “Кумуш ўлди” деди... Чала қуйган китобни аранг печкадан олиб ўчирдим...”

Мархум шоир Ғайратий 1924-1925 йиллар миёнасида Эскижўва маҳалласидаги биринчи босмахонада ишлаган... У “Ўтган кунлар”нинг нашр этилишини шундай ҳикоя қилган эди: “Мен у чоғларда босмахонада мусаҳҳихлик қилардим. “Ўтган кунлар”нинг I-II бўлимларини нашр қилишда иштирок этганман. Романнинг қўлэзмаси “Турон” кутубхонасида ишловчи Абдулла Носировнинг равшан дастхати билан пеш-пеш қўлимизга келиб тушарди. Абдулла акамининг ўзлари ҳам матбаага тез-тез келиб, босмага ёрдамлашиб турар эдилар.

Шундай бир ҳол ёдимда: романнинг I-бўлими босмага хозирланиб, ҳатто бирмунча нусха чоп қилинган ҳам эди. Бўлим бошлиғимиз Аҳмедов бир кун тўсатдан романни босиш тўхтатилсин, деб қолди. Биз ҳайрон бўлдик. Абдулла акам шу кезларда Фарғонадами, Москвадами эканлар, китобдан нишона нусха олиб, ўқиб кўриб, дарҳол босмахона мудир Беккуловга телеграмма юборибдилар: “Романнинг I-бўлимини босиш мен боргунча тўхтатиб турилсин. Муҳим хатolikка йўл қўйилган”. Уч-тўрт кундан сўнг Абдулла акам келди. Маълум бўлишича, романнинг “Қутилмаган бахт” боби охиридаги Отабек, Кумушларнинг қандай бир-бирла-



ри билан қўришиб қолганлиги ҳақидаги изоҳ-тафсилот қисми кимнингдир айби билан китобдан тушириб қолдирилган (қўлэзманинг ўша ерлари йўқотилган) экан. Абдулла акам ўша йўқотилган жойини тиклаб берганларидан сўнг ишимиз юришиб кетди.

1925 йилнинг ёз ойларида бўлса керак, босмахонадан бўшаб, ўқитучилик ва “Муштум” журналида штатсиз мухбирлик қилиб юрдим, — деб хотирасини давом эттиради Ғайратий. — Чамаси, Абдулла акам “Ўтган кунлар”нинг охириги бўлимини битириб, “Муштум”даги ўртоқларга ўқишга берган эканларми, ҳар ҳолда, бир кун идорадаги баъзилар Кумуш қабрига битилган шеър ҳақида Абдулла акамга эътироз билдиришди. Абдулла акам олдинги вариантда қабр тошига Фузулйдан шу байтни кўчирган эканлар: *Ҳамроҳи эдине бу йўлда, эй моҳ, Ҳамроҳи ташлаб кетарми ҳамроҳ...* Улар бу байтни ўзгартишни, ўз асарларида ўз шеърлари бўлишини маслаҳат беришди. Маслаҳат Абдулла акамга маъқул тушди, шекилли, кўп кун ўтмай:

**Аё, қарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,
Кўзим ёшлғ, тилимда қолди фарёд.
Ҳаётим полазоридин аюрдинг,
Ёқиб жоним, қулим қўкка совурдинг,**
шеърини ёзиб келдилар”.

Албатта, ҳали адабиётга чанқоқ бир пайтда, “Ўтган кунлар” китобхонлар

томонидан бир мунча шов-шув, мамнуният билан қутиб олинади. Ҳатто романни ўқийвериб, ёдлаб олувчилар ҳам бўлади. Буни ўша даврдаги газета, журналларда қайта-қайта босилган эълонлардан, турли мақола-мулоҳазалардан ва хозир ҳам баъзан мухлислар оғзидан юрувчи қизиқ-қизик гаплардан сезиш мумкин. Масалан, роман янги босилиб чиққан пайтлари тарқалган шундай бир миш-мишни филология фанлари номзоди, фольклорчи олим Мансур Афзалов айтиб берган эди:

Гўё, эмишки, Қодир бобо жуда кексايиб, фақир яшар, боғбонлик қилиб оиласини базўр боқар экан. Ўғли Абдулла эса, доим ўқув-ёзув билан машғул бўлиб, боғ юмушларига оз қарашар экан. Қодир бобо баъзан ранжиб: “Ҳадеб ёзаверасан-ёзаверасан, ўғлим... Бундан нима фойда?... Менга ҳам қараш-да, қариб қолдим, турмуш оғир...” деса, Абдулла: “Хўп-хўп, дада, озгина ёзувим қолди-да, шуни битирай, кейин қарашаман” — деркан. Қодир бобо индамай бошини чайқаб, боққа кириб кетар экан.

Бир кун Қодир бобо уйда ётса, кимдир қақириб келибди. Бобо чиқибди. Бир таниш аравакаш бир арава юк билан эшикда турар эмиш. У Қодир бобога: “Бу юкларни Абдулла ўғлингиз бериб юборди”, дебди ва аравадаги қоп-қоп ун, будой, гуручларни ва қўйни тушириб кетибди. Қодир бобо буларни кўриб ҳайрон бўлибди: “Епирай, Абдулла, бунча нарсани қаёқдан олди экан, ишқилиб ҳалолдан топдимикан?” деб ўйлаб, то ўғли келгунча ташвишланиб ўтирибди. Кечқурун Абдулла ота-онасига, болаларига кийим-кечак, совға-саломлар кўтариб кириб келибди. Қодир бобо совғаларга қарамай, дарҳол ўғлини сўроқ-тергов қилишга бошлабди: “Хўш, Абдулла, бу нарсаларни қаёқдан олдинг, ҳалолданми, ким сенга шунча пул, молни берди?” Абдулла кулибди: “Хукумат берди, дада! Бу — менинг, ўша, ёзиб юрган хатларимнинг ҳосили... Ёзганларим — “Ўтган кунлар” қотиб бўлиб чиқди!” деб жавоб қилибди. Қодир бобо қувониб, “Ҳа-ҳа, шунақа дегин, баракалла, барака топ, ўғлим. Бўлмаса, ёзувингни қўйма, бунда гап кўп экан!” дебди...

Бу ҳикоя, албатта, ҳақиқатдан бир мунча йироқ, ҳар ҳолда, уйдагилардан эшитилмаган, ҳақиқат бўлса ҳам, Қодирийнинг бошқа бирон дастлабки асарига мансуб, “Ўтган кунлар”га тааллуқсиз гапдир. Чунки “Ўтган кунлар” босилиб чиққан пайтда, юқорида айтилгандай, Қодир бобом дунёда йўқ эдилар. Шундай бўлса-да, бу миш-мишининг бир қиймати шундаки, романнинг босилиб чиқиши бир эртака айланган...

(**Давоми келгуси сонда**)

Кўзойнаклар ФАКТЛАР
Бугунги кунда ҳар биримиз учун бир катор қулайликлар яратадиган оддийгина кўзойнакдан кўпчилик фойдаланади. Кўзойнак нафақат кўриш қобилиятини янада ошириш, балки кўзларимизни шикастланиш, қуёш нури, чанг-тўзон ва шамолнинг таъсиридан ҳимоя қилишда ҳам муҳим восита ҳисобланади.



Албатта, кўзойнак ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ, балки унинг ўзига ҳос яратилиш тарихи бор. Аниқроқ айтиганда, кўзойнак жуда қадим даврларда ихтиро қилинган. Масалан, XII асрда Хитойда ҳакамлар гувоҳлардан ўз нигоҳини яшириш мақсадида, сурма ранг кварц пластиналаридан фойдаланган. Бошқа бир тарихий манбаада эса, 1240 йилда Хитойда яратилган китобларнинг бирида “қарияларнинг кўриш қобилиятини яхшиловчи “айтан” деб номланган мослама” ҳақида фикр юритилган.

Кўзойнак тақдан одамнинг илк сурати 1352 йилда чизилган бўлиб, унда кўзойнак тақиб, хат ёзиб ўтирган Уго ди Прованс исм-шарифли шахс тасвирланган.

Бундан ташқари қадим замонларда шимолӣ ҳудудларда яшайдиган халқлар орасида тўқ рангли шишадан ясалган кўзойнаклар тақиш урфга кирган, бу мосламалар кўзни ўта кучли ёруғликдан ҳимоя қилган. Қуёш нуридан асраш учун мўлжалланган илк кўзойнаклар эса, Осиё ва Америка халқлари томонидан яратилган.

Тарихчиларнинг фикрича, қадимги римликлар оптик қўрилмалар ва линзалар тайёрлаш бўйича чинакам мутахассис бўлишган. Негаки, Ўрта Ер денгизи атрофидаги мамлакатлардан топилган топилмаларнинг баъзилари Юнонистон ва Рим ҳудудларига тегишли бўлган. Лекин энг қадимги линза шаклидаги буюмлар Мисрда топилган. Масалан, 1883 йилда Мисрнинг шимолӣ пойтахти бўлган Танисда эраимиздан аввалги II асрга тааллуқли линзалар топилган. Бу ашёлар, асосан, Париждаги Лувр каби бир қатор Европа музейларида, қолганлари эса Миср қадимий музейида намойиш этилади ва улар “Танис хазиналари” деб номланади. Шунингдек, ўша даврда одамлар линзалардан олов ёқиш учун ҳам фойдаланишган. Бугунги кунда шундай қадимий линзаларнинг 200 га яқини Британия музейида сақланмоқда.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, кўзойнак тақиш ҳам дунё халқлари маданиятида ўзига ҳос маънони англатган. Масалан, Испанияда шахснинг таққан кўзойнагининг катта-кичиклигига қараб, унинг жамиятдаги мавқеи билиб олишган. Яъни кўзойнак қанчалик катта бўлса, унинг эгаси жамиятда шунчалик юқори нуфузга эга бўлган.

Қадимги Италияда юқори сифатли кўзойнақлар ўта қimmatбаҳо буюм сифатида қадрланган. Ўша даврда аҳолининг бой зодагонлари кўзойнакларини бошқа мол-мулклари қаторида авлодларига мерос қилиб қолдирган.

Африкада жойлашган айрим қабил вакиллари орасида бугунги кунда ҳам кўзойнак тақиш ҳуқуқига фақат қабиланинг энг обрўли аъзоларигина ҳақли ҳисобланади. Қизиги шундаки, бу ҳудудда кўзойнак умуман ой-насиз бўлиши ҳам оддий ҳолат саналар экан.

Йиллар ўтиши билан кўзойнакларнинг кўриниши ва уларни тақиш одатлари ҳам тақомиллашди.

**Интернет материаллари асосида
Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

◄ (Бошланиши 3-бетда)

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, бундай жинорий қилмишлар, ҳақиқатан ҳам, асосатли ва оғир оқибатли жинорий ҳодисалар туркумига киради. Бунинг устига бундай қилмиш суд ёки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган пайтда бевосита айбланувчи шахс тарафидан ва такроран содир қилинса, унинг оқибати янада оғир кечиши турган гап. Шу маънода айтганда, М.Раҳмонов томонидан такроран содир этилган қилмиш Жиноят кодексининг ўта оғир жинорий қилмишини назарда тутувчи 267-моддаси 2-қисми “а” банди бўйича малакаланди. Тергов ва суд жараёнида гумонланувчини ўз тарбиясига олган отаси ва тоғаси зиммаларидаги бурч ва мажбуриятга лоқайд қарашгани маълум бўлди. Бор-йўғи, бир яким ой ичида содир этилган икки жинорий қилмиш айнан шундай эътиборсизлик ва лоқайдликларнинг антиқийи якуни сифатида бўй кўрсатди.

Суд масаланинг айнан шу жиҳатини ҳам назарда тутди. Тергов органининг М.Раҳмоновни жамиятдан вақтинча ажратиш тўғрисидаги сўрови гумонланувчининг қонуний вакили, жараёнга жалб қилинган таълим ташкилотли вакили ва адвокат иштирокида қўриб чиқилди. М.Раҳмоновнинг хатти-ҳаракатида янада оғир қилмишга мойиллик аломати яққол сезилаётгани алоҳида қайд этилди. Бундай вазиятда шахсини назоратсиз қолдириш-



чалик ҳибсда сақлаш эҳтиёж чорасини қўллашни мақсадга мувофиқ деб топди. Агар 10 кун ичида айб эълон қилинмаган тақдирда, уни қамоққа олишга оид суд ажримни бекор қилиниши мумкинлиги тўшунтирилди. Маъмурий ҳуқуқбузарлиқнинг бу каби ажри Гурлан туманидаги Ёрмиш маҳалласида яшовчи Сотимбой Ҳожибоевни ҳам сўроқлаб келди. У ўзининг 4 нафар фарзандига оталик фарзини муносиб тарзда адо этишдан бўйин товлагани, аниқроғи, зиммасидаги мажбуриятни кўр-кўрона бажармагани ошкор бўлди.

Аниқланган фактларга қараганда, у собиқ турмуш ўртоғи Д.Тожиевага фарзандлари тар-

бияси учун алимент тўлови юзасидан 2013 йил 28 мартдан қичарилган суд бўйруғига бепасандлик билан қараган. Зиммасидаги тўлов мажбуриятини адо этишдан кам эмас,

сидаги кодекснинг 47⁴-моддаси, 1-қисми бўйича жавобгарликка тортилди. Иш юзасидан тўпланган ҳужжатлар суднинг эътиборига ҳавола қилинди. Суд маъмурий ишни батафсил ўрганиб чиқди. Жавобгар айбидан тонмади, унга иқдорлик билдирди. Шу билан бирга, қонун мурувватига умидворлик оҳангида айрим ҳолатларни оинбатга олишни сўради. Унинг айтишича, 2013-2017 йиллар оралиғида тўрт нафар фарзанди унинг қарамоғида бўлган. Тегишли суд маҳкамасининг 2017 йилги қарорига асосан, икки нафар фарзанди собиқ умр йўлдоши Д.Тожиеванинг қарамоғига олиб берилган. Қолган 2 нафар фарзанднинг тарбияси унинг зиммасига юклатилган.

С.Ҳожибоев ҳозир фарзандларининг барчаси вояга етгани ва Тошкент шаҳрида таълим олаётгани, уларнинг тарбиясига бефарқ қарамаётгани: маблағ ва озиқ-овқат билан таъминлаб келаётганини таъкидлади. Бироқ ўз гарданига юкланаётган катта миқдордаги алимент қарздорлиги нотўғри ҳисоблангани, бунча ҳажмдаги маблағни қоплаш имкони мавжуд эмаслигини қайд этди.

Судда жабрланувчи мақомида кўрсатма берган Д.Тожиева жавобгарнинг бу иддаосини тан олмади ва С.Ҳожибоевга нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўради.

Суд жавобгар ва жабрланувчининг баёнотини далил ва ҳужжатлар асосида текширди. Бунда С.Ҳожибоевнинг Тошкент

сидаги кодекснинг 47⁴-моддаси, 1-қисми бўйича жавобгарликка тортилди. Иш юзасидан тўпланган ҳужжатлар суднинг эътиборига ҳавола қилинди.

Суд маъмурий ишни батафсил ўрганиб чиқди. Жавобгар айбидан тонмади, унга иқдорлик билдирди. Шу билан бирга, қонун мурувватига умидворлик оҳангида айрим ҳолатларни оинбатга олишни сўради. Унинг айтишича, 2013-2017 йиллар оралиғида тўрт нафар фарзанди унинг қарамоғида бўлган. Тегишли суд маҳкамасининг 2017 йилги қарорига асосан, икки нафар фарзанди собиқ умр йўлдоши Д.Тожиеванинг қарамоғига олиб берилган. Қолган 2 нафар фарзанднинг тарбияси унинг зиммасига юклатилган.

С.Ҳожибоев ҳозир фарзандларининг барчаси вояга етгани ва Тошкент шаҳрида таълим олаётгани, уларнинг тарбиясига бефарқ қарамаётгани: маблағ ва озиқ-овқат билан таъминлаб келаётганини таъкидлади. Бироқ ўз гарданига юкланаётган катта миқдордаги алимент қарздорлиги нотўғри ҳисоблангани, бунча ҳажмдаги маблағни қоплаш имкони мавжуд эмаслигини қайд этди.

Судда жабрланувчи мақомида кўрсатма берган Д.Тожиева жавобгарнинг бу иддаосини тан олмади ва С.Ҳожибоевга нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўради.

Суд жавобгар ва жабрланувчининг баёнотини далил ва ҳужжатлар асосида текширди. Бунда С.Ҳожибоевнинг Тошкент

шаҳрида таҳсил олаётган фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлаётгани тўғрисидаги вазжлари ўз исботини топмади.

Бундай вазиятда айбланувчи шахсини жазодан ва зиммасидаги тўлов мажбуриятидан озод қилишнинг имкони йўқ. Жавобгарнинг суддаги кўрсатмаси факт ва далиллар асосида ўз тасдиғини топса, масалани унинг фойдасига ҳал қилиш мумкин. Суд бу ҳолатни назарда тутиб, С.Ҳожибоев қарийб 12 йилдан буён адо этилмади келаётган ва бугунги кунга келиб, 207 миллион сўмдан ошиб кетган алимент тўлови учун жавобгар, деган ҳулосага келди.

Чиндан ҳам, фарзанд — оила бахти, бутун жамиятнинг иқболи, келажақ бунёдкори. Уни муносиб даражада қамолга етказиш эса, биринчи гада, ҳар бир ота-онанинг бурчи, зиммасидаги мажбурият саналади. Афсуски, С.Ҳожибоев зиммасидаги бу мажбуриятга бепасандлик билан қаради, оталик фарзи ва қарзини муносиб даражада адо этишдан очикчасига бўйин товлади. Қонун ва жамият бу ҳолга бефарқ эмас. Суд ана шу ҳулосага суянган ҳолда ҳуқуқбузар С.Ҳожибоевни маъмурий қамоқ жазосига маҳкум этди. 207,1 миллион сўмлик алимент тўлови мажбуриятини унинг зиммасида қолдирди.

Дилмурод ЮСУПОВ,
жиноят ишлари бўйича
Гурлан тумани суди
тергов судьяси
Абдулла СОБИРОВ,
“Куч — адолатда” мухбири

ТАХРИС ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Икром МУСЛИМОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдухалил ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatla@gmail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-415 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6048
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20⁰⁰. Топширилди: 21⁰⁰.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

